

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1974-ҳадис

1974/6031 – عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمْ يَكُنِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَبَابًا،

وَلَا فَحَاشًا، وَلَا لَعَانًا، كَانَ يَقُولُ لِأَحَدِنَا عِنْدَ الْمَعْتَبَةِ: «مَا لَهُ تَرَبَّ جَبِينُهُ».

1974.6031. Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам сўконғич ҳам, фаҳш сўзловчи ҳам, лаънатловчи ҳам эмасдилар. Бирортамизни койиганларида: «Ўша пешонаси тупроққа ботгурга нима бўлибди?» дер эдилар».

Изоҳ: «Пешонаси тупроққа ботгур!» жумласи араблар истеъмолида том маънода эмас, балки биздаги «шўри қурсин», «қуриб кетсин», деган ибораларга ўхшаб койиш, таажжуб маъноларида ишлатиладиган бўлиб кетган. Бу иборани ибодатга, намозга ундаш мазмунида, яъни «Пешонаси саждада бўлсин!» деган маънода ҳам тушуниш мумкин.

Манба: hadis.islom.uz

